

---

## ФАРҒОНАЛИК 3 НАФАР БОКСЧИ БОКС БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛЛАРИДА ОЛТИН МЕДАЛЬ УЧУН РИНГГА ЧИҚАДИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида 22 ёшгача бўлган боксчилар ўртасида Осиё чемпионати давом этмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибида ушбу қитъа чемпионатида муваффақиятли иштирок этаётган Фарғона вилояти вакилларида 3 нафари мусобақанинг финалларида йўлланмани қўлга киритдилар.

48 кг вазндаги баҳсларда чорак финалда хитойлик Гоу Гуаншуайни, ярим финалда филиппинлик Лестер Дуренсни 5:0 ҳисобидаги ишончли ғалабалар билан енгган Шодиёр Мелиқўзиев, олтин медаль учун финалда ёшлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, қозоғистонлик Санжар Ташкенбайга қарши рингга чиқади.

Вилоятимизнинг яна бир вакили, 71 кг вазнли Нурислон Исмоилов чорак финалда камбоджалик боксчи Хун Кимханни 1-раунддаёқ мағлубиятга учратган бўлса, ярим финалда қирғизистонлик Нурадин Рустамбек Уулу устидан 5:0 ҳисобида зафар қучди. Нурислон финалда қозоғистонлик яна бир кучли боксчи, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Сабиржан Аккаликовга қарши жанг қилади.

66 кг вазнда иштирок этаётган Навбахор Ҳамидова ярим финалда қозоғистонлик Анкар Ичшановани 5:0 ҳисобида мағлуб этиб, финалга юксалди. Бугун олтин медаль учун баҳсда Навбахор Ҳамидова Мўғулистон вакиласи Цецегдари Мягмарсуренга қарши рингга кўтарилади.

Маълумот учун, 22 ёшгача бўлган боксчилар ўртасида Осиё чемпионати йигитлар ўртасида 13 та, қизлар ўртасида эса 11 та вазн тоифасида ўтказилмоқда. Баҳсларда умумий ҳисобда 149 нафар боксчи иштирок этмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-01-25 12:05:10